

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСАШАЙХОВА ШАХНОЗА МАМИРБЕКОВНА

**ЎТКИР МИЕЛОИДЛИ ЛЕЙКОЗ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ
ТАШХИСЛАШ, КЛИНИК КЕЧИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА
ДАВОЛАШ МОНИТОРИНГИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК
МАРКЕРЛАРИ**

14.00.29–Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Мусашайхова Шахноза Мамирбековна

Ўткир миелоидли лейкоз билан оғриган беморларни ташхислаш,
клиник кечишини башорат қилиш ва даволаш мониторингининг
молекуляр-биологик маркерлари..... 3

Мусашайхова Шахноза Мамирбековна

Молекулярно-биологические маркеры диагностики, прогнозирования
клинического течения и мониторинга лечения больных с острыми
миелоидными лейкозами..... 33

Musashaykhova Shakhnoza Mamirbekovna

Molecular biological markers of diagnosis, prediction of clinical course and
monitoring of treatment of patients with acute myeloid leukemia..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСАШАЙХОВА ШАХНОЗА МАМИРБЕКОВНА

**ЎТКИР МИЕЛОИДЛИ ЛЕЙКОЗ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРНИ
ТАШХИСЛАШ, КЛИНИК КЕЧИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА
ДАВОЛАШ МОНИТОРИНГИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-БИОЛОГИК
МАРКЕРЛАРИ**

14.00.29–Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.DSc/Tib967 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бобоев Кодиржон Тухтабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Бабаджагова Шоира Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Гильдиева Маргарита Сабирона
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қозон федерал университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99874) 223-94-50, e-mail: info@adti.uz)

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутун дунёда ўткир миелоид лейкоз (ЎМЛ) онкогематологик касалликлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, у ҳозирги кунгача ўз долзарблигини йўқотмаган ва меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида юқори ўлим ва ногиронликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Америка саратон реестри маълумотларига кўра, ЎМЛ билан касалланиш ўртача йилига 100 минг аҳолига 3-5 кишини ташкил қилади ва 100 минг аҳоли бошига 12-13 кишига кўпаймоқда. Сўнгги ўн йилликларда ЎМЛ диагностикаси ва даволашда эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, беморларнинг тахминан 46% терминал босқичига етмасдан, касалликнинг асоратлари туфайли вафот этмоқда. Ушбу маълумотлар ташвишли бўлиб, улар ЎМЛ нинг ташхислаш ва клиник кечишини башорат қилишни етарлича эмас эканлигини кўрсатади. Шу сабабли, юзага келиши мумкин бўлган асоратларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволаш замонавий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида сўнгги йилларда ЎМЛ ни эрта ташхислаш, клиник кечишини башорат қилиш, ва кимётерапиясининг самарадорлигини оширишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. “...ўткир миелоид лейкозларга оид нашр этилган деярли барча илмий мақолаларда ушбу касалликлар гуруҳи қанчалик хилма-хил ва гетероген эканлиги, касалликнинг кечиши ва ҳар бир беморда ўтказиладиган кимётерапиянинг самарадорлигини олдиндан айтиш қанчалик мураккаблиги ҳақида маълумотлар мавжуд.”¹ Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, даволаш самарадорлигига бир қатор прогностик омиллар сезиларли таъсир кўрсатади, улар орасида беморларнинг ёши, касалликнинг дастлабки босқичидаги лейкоцитлар сони, ЎМЛ нинг иммунологик варианты, цитогенетик ва молекуляр биологик бузилишлар айниқса муҳимдир. Қон ва суяк кўмиги кўрсаткичлари морфологик ўзгаришларини эрта аниқлаш, шунингдек, организмдаги генетик (t (8;21), inv (16;9), NPM1, PML–RARA ва TP53) бузилишлар ва хромосома аберацияларини ўрганиш, ЎМЛ билан оғриган беморларга ишончли ташхис қўйиш, асоратларини ўз вақтида башорат қилиш ва кимётерапиянинг самарадорлигини аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, шунингдек, тиббиёт тизимининг жаҳон стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлашга, хусусан, онкогематологик патологиялар асоратларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. «...Мамлакатимизда тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизматларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»² каби

¹ Gupta N., Pawar R., Banerjee S, et al. Spectrum and immunophenotypic profile of acute leukemia: a tertiary center flow cytometry experience. *Mediterr J Hematol Infect Dis.* 2019

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони.

вазифаларни хал этиш касалликнинг асоратларидан ногиронлик ва ўлимни сезиларли даражада камайтириши, ЎМЛ ни эрта ва ишончли ташхислаш ва профилактикасида замонавий молекуляр - генетик тадқиқот усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Ўткир миелоид лейкозларни эрта ташхислаш, клиник кечишини башорат қилиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, St. Jude Children's Research Hospital, Dana-Farber Cancer Institute, Medical College of Wisconsin, Medical Sciences Institute, Blood Center of Wisconsin, University of Florida, Harvard Medical School, University of Vermont, Burlington (SJCRH, DFCI, CCG, POG) (АҚШ), Charite University Hospital – Berlin, Institute of Child Health, London, UK, Rigshospitalet, Denmark (BFM, COALL, AIEOP, DCLSG, UKALL, NOPHO) (Европа), Дмитрий Рогачев номидаги болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси Миллий тиббий тадқиқот маркази (Россия Федерацияси), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган гематология илмий - амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Андижон давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ўткир миелоид лейкоз ва у билан боғлиқ асоратларнинг асосий патогенетик механизмларини, клиник хусусиятларини, даволаш ва профилактикасини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: SJCRH (АҚШ) тадқиқотига кўра, эрта интенсивлаштиришнинг самарадорлиги исботланган, барча беморларда нурланишни четлаб ўтиш эҳтимоли кўрсатилган. POG (АҚШ) томонидан олиб борилган тадқиқотлар болалардаги барча терапиянинг асоси узок муддатли антиметаболит терапияси, узок

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.stjude.org; www.dana-farber.org; www.mcw.edu; www.ufl.edu; www.hms.harvard.edu; www.uvm.edu; www.charite.de; www.ucl.ac.uk; www.rigshospitalet.dk; www.fnkc.ru сайтлар асосида ишлаб чи.илган.

муддатли L–аспарагиназа терапиясининг қўшилиши ЎЛ билан оғриган беморларда касаллик оқибатини яхшилашга олиб келишини кўрсатган. Шу билан бирга CCG (Голландиялик болалар онкологияси гуруҳи) ҳамда UKALL (ЎЛ ни даволаш бўйича британиялик гуруҳ) нейрелейкемияда даволашдаги янги усулларни жорий этган.

Ҳозирги вақтда бутун дунё бўйлаб илмий тадқиқотларнинг устивор йўналишларидан бири ЎМЛ ни ишончли ташхислаш ва рецидив ривожланиш хавфини башорат қилиш, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларда кимётерапияга резистентлик муаммоларини ҳал қилишдир. Терапевтик ва профилактика чораларини янада самарали амалга ошириш учун ЎМЛ ни ташхислаш ва клиник кечишини, шунингдек, кимётерапияга резистентлик ривожланишини башорат қилиш усуллари самарадорлигини янада ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида, ЎМЛ нинг узоқ йиллик тадқиқотига қарамай, айниқса ташхислаш нуқтаи назаридан кўплаб масалалар ҳали ҳам аниқ ўрганилмаган (Duployez N., 2016). Бугунги кунга келиб, ЎМЛ ривожланишида бир қатор генлар ва хромосома бузилишларининг патогенетик ролини чуқур ўрганишга бағишланган илмий ишлар пайдо бўла бошлади. Аммо, шунга қарамай, ЎМЛ нинг ташхислаш ва клиник кечишини башорат қилишнинг ишончли мезонлари ҳали ҳам тўлиқ аниқланмаган. Шу муносабат билан, беморларда ЎМЛ ни ташхислаш ва ривожланиш хавфини ўз вақтида аниқлашнинг ишончлилигини ошириш учун турли хил молекуляр-генетик ва хромосома бузилишларининг ролини ўрганиш мақсадида янада кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

МДХ мамлакатларида ЎМЛ ни эрта ташхислаш ва клиник кечишини башорат қилиш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган, шунингдек даволаш ва олдини олиш бўйича янгиланган тавсиялар киритилган. Ўткир миелоид лейкозлар прогнозининг цитогенетик ва молекуляр-генетик омиллари ўрганилган (Мисюрин А. В., 2017). Цитогенетик текширув натижаларининг маълумотлилиқ даражаси бошқа кўрсаткичларга қараганда анча юқорилиги ва касалликнинг оқибати билан бевосита боғлиқлиги ўрганилган (Kiyoi H., 2015). Ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда минимал қолдиқ касаллик қийматига «7+3» vs «FLARIDA» консолидация курсларининг интенсивлиги таъсири баҳоланган (Лобанова Т.И., 2018). Болаларда ва катта ёшдагиларда ўткир лейкоз кечиш оғирлиги, ўтказилаётган кимётерапияга жавоби, ҳар хил асоратларнинг қўшилиши, клиник кўриниши, касалликни ремиссиясиз кечиши каби хусусиятлар айнан FLT-3 гени мутацияси ва хромосомалар абберрацияси даражасига боғлиқ эканлиги ўрганилган (Ю.С. Коркин, 2022).

Ўзбекистонда онкогематологик касалликларни ташхислаш, эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистонда ўткир лимфобластик лейкоз билан касалланишни ўрганган Ж.Д. Хужахметов (2009й) каби мутахассисларнинг ишлари мавжуд. Ўткир миелоид лейкозларда FLT–3 мутациясининг роли аниқланган (Раджабова А.М., 2019й ва Эгамова С.К., 2022й). Хромосома аномалияларини аниқлаш учун стандарт цитогенетик

тадқиқотлар ўтказилган (Алланазарова Б.Р., 2013). Ўзбекистонда қон тизими касалликлари диагностикасига молекуляр-биологик усуллар ҳам киритилган (Каримов Х. Я., 2013).

Шу билан бирга, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу тадқиқотларда ЎМЛ ни эрта ташхиллаш, клиник кечишини башорат қилиш ва даволаш мониторингида баъзи бир генетик драйвер соматик мутацияларнинг таъсирини ва уларнинг эпигенетик регулятор TP53 онкосупрессори билан, шунингдек, хромосома аномалиялари билан боғлиқлигини батафсил ўрганилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистонда замонавий гематологиянинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланган ЎМЛ патогенезини ўрганишга қаратилган кенг қамровли клиник ва цитогенетик, шунингдек, молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади ва бу катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000273 сонли «Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида сурункали ноинфекцион касалликларни эрта ташхиллаш, даволаш ва профилактика қилишнинг илғор инновацион технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида амалга оширилган (2020 – 2024 йй).

Тадқиқотнинг мақсади ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда драйвер соматик ген ҳамда хромосомада мутацион ўзгаришлари частотасини ўрганиш ва уларни эрта ташхис қўйишдаги ролини, клиник кечишини башоратлаш, шунингдек касалликни даволаш самарадорлигини назорат қилишни баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда клиник-морфологик текширувлар ўтказиш;

ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда хромосома абберацияларини ва унинг драйвер соматик мутациялари билан алоқасини ўрганиш;

t(8;21), inv(16;9), NPM1, PML–RARA драйвер–соматик мутацияларининг тарқалиш частотасини аниқлаш ҳамда уларнинг ўткир миелоид лейкозни эрта ташхиллаш, клиник кечишини башоратлашдаги, шунингдек, касалликни даволаш самарадорлигини назорат қилишдаги ролини баҳолаш;

ўткир миелоид лейкозни ривожланиши ва клиник кечишида ўсманинг усиши супрессори TP53 эпигенетик регуляторининг аҳамиятини баҳолаш;

ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда драйвер–соматик мутацияларнинг онкосупрессор TP53 эпигенетик регуляторининг мутациялари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

ЎМЛ нинг ташхиллаш мезонларини такомиллаштириш ва ривожланиш хавфини, ҳамда клиник кечишини башорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 235 нафар шахслар олинган. Улардан 2 та кичик гуруҳ тузилган: асосий гуруҳни ташкил этган ЎМЛ билан хасталанган 145 нафар бемор, ҳамда, назорат гуруҳига киритилган, текшириш вақтида ва

анамнезида ЎМЛ нинг клиник кўринишисиз, ўзида ва яқин қариндошларида онкогематологик касалликлари бўлмаган 90 нафар «шартли-соғлом» шахслар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида умумий клиник тадқиқотлар учун қон зардобси, шунингдек, генетик тадқиқотлар учун периферик қон ва суяк кўмиги пунктати олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда ЎМЛ нинг диагностика стандартлари, клиник-гематологик, цитогенетик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЎМЛ М3 морфологик тури билан оғриган беморларда PML-RARA мутациясининг учраш частотаси t (8;21), inv (16;9) ва NPM1 генетик маркерлари мутациялари билан солиштирганда сезиларли даражада юқори эканлиги кўрсатилган;

NPM1 мутациясининг тарқалиш даражаси хромосома бузилишлари мавжуд бўлган беморларга нисбатан нормал кариотипли беморларда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланган;

PML-RARA мутацияси мавжуд бўлганда тўлиқ ремиссиянинг ривожланиши мутациясиз беморларга қараганда сезиларли даражада 12.4 баравар юқори бўлганлиги кўрсатилган;

TP53 генидаги Pro72Arg полиморфизмининг Arg/Arg ноқулай генотиби ўткир миелоид лейкоз ривожланиш хавфини ошириши ва асосий патологиянинг ноқулай кечишини кўрсатиши, рецидив ривожланишига, шунингдек, кимётерапияга резистентликка олиб келиши асосланган;

TP53 генидаги Pro72Arg полиморфизмининг ноқулай Arg/Arg генотиби ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда t (8;21) ва PML-RARA мутацияларини аниқлаш имкониятини баҳолаш учун мустақил маркер сифатида юқори прогностик самарадорликка эга эканлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

TP53 генидаги Pro72Arg полиморфизмининг ва драйвер соматик мутациялар ўртасидаги богликлик t (8;21) ва PML-RARA мутацияларини эрта аниқлаш, шунингдек, ЎМЛ мавжуд беморларда дори воситаларини ўз вақтида коррекция қилиш ва танлаш имконини берган;

ЎМЛ ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган хромосома бузилишлари пайдо бўлишида t (8;21) ва PML-RARA драйвер соматик мутацияларининг ахамияти асосланган;

ЎМЛ билан оғриган беморларда касалликни клиник кечишини эрта башорат қилиш ва узига хослигини, шунингдек, терапевтик муолажаларнинг самарадорлигини аниқлаш учун t (8;21) ва PML-RARA генетик маркерларини текшириш ва таҳлил қилиш зарурати исботланган;

Ишончли ташхис қўйиш ва ЎМЛ ни клиник кечишини эрта башорат қилиш ушбу патологияларни ва уларнинг асоратларини даволаш учун катта моддий харажатлардан қочиш, мақсадли терапевтик ва профилактика чораларини ўтказиш имконини бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган замонавий

назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, клиник материаллар ва кузатувлар сонининг етарлиги, тадқиқотда фойдаланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, молекуляр-генетик ва статистик усуллар қўлланилгани, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти драйвер соматик ген ва хромосома мутацион ўзгаришларининг ўткир миелоид лейкозни даволаш самарадорлигини кузатишга, шунингдек, эрта ташхис қўйиш, клиник кечишининг башоратлашдаги ролини баҳолашга салмоқли ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишончли ташхис қўйиш ва ЎМЛ ривожланишига ирсий мойилликни эрта аниқлаш, унинг клиник кечишини башорат қилиш, ҳамда терапевтик ва профилактика чораларини янада самарали амалга оширишдан иборат эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир миелоидли лейкоз билан оғриган беморларни ташхислаш, клиник кечишини башорат қилиш ва даволаш мониторингининг молекуляр-биологик маркерлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: ЎМЛ М3 морфологик тури билан оғриган беморларда, PML-RARA мутасиясининг учираш частотаси t (8;21), inv (16;9) ва NPM1 генетик маркерлари мутасиялари билан солиштирганда сезиларли даражада юқори эканлиги кўрсатилганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 февралда бi-12u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз патогенезида хромосома абберацияларининг роли» номли услубий тавсиянома ҳамда 2024 йил 29 февралда бi-13u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омилларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 2024-йил 4-мартдаги 33-сон, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2024-йил 11-мартдаги 24-сон ҳамда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2024-йил 18-мартдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/21-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир миелоид лейкоз М3 турини аниқлаш учун PML-RARA генетик маркерини ўрганиш ушбу турдаги беморларни диагностика сифатини яхшилайти, бу эса даволаш муолажаларини ўз вақтида мақсадли равишда амалга оширишга шунингдек, ушбу тоифадаги беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: Ўткир миелоид лейкоз морфологик турларини тўғри ташхислаш ва касалликни эрта аниқлаш учун қўшимча лаборатор-инструментал текширувлар талаб қилинмайди, қўшимча текширувлар учун вақт ва моддий харажатларни камайтириш орқали тежаш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: NPM1 мутасиясининг тарқалиш даражаси хромосома бузилишлари мавжуд беморларга нисбатан нормал кариотипли беморларда сезиларли даражада юқори эканлигини аниқланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 февралда 6i-12u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз патогенезида хромосома абберрацияларининг роли» номли услубий тавсиянома хамда 2024 йил 29 февралда 6i-13u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омилларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 2024-йил 4-мартдаги 33-сон, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2024-йил 11-мартдаги 24-сон хамда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2024-йил 18-мартдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/21-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ўткир миелоид лейкоз учун хавф омилларини эрта аниқлаш, зарур профилактика чораларини кўриш ва даволанишни индивидуал тарзда тузиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: NPM1 мутацияси ва цитогенетик текширувлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш касалликни тўғри ташхислаш ва клиник кечишини башорат қилиш учун янада малакали, ишончли ёндашувни таъминлайди ва даволаш хамда профилактика чоралари самарадорлигини ошириш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: PML–RARA мутасияси мавжуд бўлганда, тўлиқ ремиссиянинг ривожланиши мутасиясиз беморларга қараганда сезиларли даражада 12.4 баравар юқори бўлганлиги кўрсатилганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 февралда 6i-12u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз патогенезида хромосома абберрацияларининг роли» номли услубий тавсиянома хамда 2024 йил 29 февралда 6i-13u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омилларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 2024-йил 4-мартдаги 33-сон, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2024-йил 11-мартдаги 24-сон хамда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2024-йил 18-мартдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/21-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган усулнинг жорий этилиши ўткир миелоид лейкоз ва унинг салбий оқибатларини эрта башорат қилиш, ногиронликни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: Ўткир миелоид лейкоз ҳасталиги бўлган беморларда PML–RARA мутасиясини ўрганиш ва касаллика ишончли ташхис қўйиш ва клиник кечишини эрта башорат қилиш орқали беморларнинг бир кунда шифохонада ётиши учун ўрин кунлар сонини 105000 сўмга иқтисод қилиш ва беморларнинг шифохонада бўлиш вақтини эса 2-3 кунга камайтириш имконини

беради;

тўртинчи илмий янгилик: TP53 генидаги Pro72Arg полиморфизмининг Arg/Arg ноқулай генотиби ўткир миелоид лейкоз ривожланиш хавфини ошириши ва асосий патологиянинг ноқулай кечишини кўрсатиши, рецидив ривожланишига, шунингдек, кимётерапияга резистентликка олиб келиши асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 февралда бi-12u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз патогенезида хромосома абберрацияларининг роли» номли услубий тавсиянома ҳамда 2024 йил 29 февралда бi-13u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омилларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 2024-йил 4-мартдаги 33-сон, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2024-йил 11-мартдаги 24-сон ҳамда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2024-йил 18-мартдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/21-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ЎМЛ ривожланиш хавфини ва клиник кечишини эрта башорат қилиш ушбу патологияларни, шунингдек уларнинг асоратларини даволаш учун катта моддий харажатлардан қочиш, мақсадли терапевтик ва профилактика чораларини ўтказиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: молекуляр-генетик тадқиқотлардан фойдаланиш орқали ўткир миелоид лейкознинг ривожланиш хавфини ва клиник кечишини эрта башорат қилиш, ихтисослаштирилган муассасаларда ушбу касалликнинг диагностикаси, мониторинги ва даволашга сарфланадиган маблағларни сезиларли даражада камайтириш имконини беради;

бешинчи илмий янгилик: TP53 генидаги Pro72Arg полиморфизмининг ноқулай Arg/Arg генотиби ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда t (8;21) ва PML-RARA мутацияларини аниқлаш имкониятини баҳолаш учун мустақил маркер сифатида юқори прогностик самарадорликка эга эканлиги кўрсатилганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 февралда бi-12u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз патогенезида хромосома абберрацияларининг роли» номли услубий тавсиянома ҳамда 2024 йил 29 февралда бi-13u-сон билан тасдиқланган «Ўткир миелоид лейкоз ривожланишининг молекуляр-генетик хавф омилларини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўйича 2024-йил 4-мартдаги 33-сон, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти кўп тармоқли шифохонаси бўйича 2024-йил 11-мартдаги 24-сон ҳамда Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 2024-йил 18-мартдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/21-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: TP53 генидаги Pro72Arg полиморфизмининг ва драйвер соматик мутациялар ўртасидаги боғлиқлик t (8;21) ва PML-RARA мутацияларини эрта аниқлаш, шунингдек ўткир миелоид

лейкоз мавжуд беморларга дори воситаларини ўз вақтида коррекция қилиш ва танлаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: TP53 генидаги Pro72Arg полиморфизмининг ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда t (8;21) ва PML-RARA мутацияларини ривожланишидаги ролини исботлаш уларни ўз вақтида таҳлил қилиш ва аниқлаш учун оптимал тизимни ишлаб чиқишга имкон беради. Ушбу тизим ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларни даволаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада қисқартириш ва ногиронлик ҳолатларини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 177 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган бўлиб, унинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги баён қилинган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир миелоид лейкоз ривожланиши ва диагностикасининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил шарҳлари келтирилган. Ўткир миелоид лейкознинг патогенези таҳлил қилинган, ўткир миелоид лейкоз ривожланишининг клиник-морфологик, цитогенетик ва молекуляр-генетик механизмлари тўғрисида замонавий қарашлар баён қилинган ҳамда ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ушбу тадқиқотда фойдаланилган тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифи келтирилган. Тадқиқотга 235 нафар шахслар олинган. Улардан ушбу тадқиқотга қўшилиш ва қўшилмаслик мезонларига мувофиқ танланган 2 та кичик гуруҳ шакллантирилган: 1 гуруҳ – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказига текшириш


ва сўнгра даволаниш мақсадида мурожаат қилган 145 нафар бирламчи ташхисланган ЎМЛ билан хасталанган беморлар; 2-гуруҳ-таққослаш гуруҳини текширув вақтида ва анамнезида юқоридаги патологияларнинг клиник белгилари кузатилмаган, шунингдек, ўзида ва яқин қариндошларида гемобластозлар мавжуд бўлмаган 90 нафар «шартли равишда соғлом» шахсларни ўз ичига олган касалхона беморлари, жинси ва ёши бўйича асосий гуруҳ билан таққосланадиган кўнгиллилар ташкил этди. Назорат намунаси учун материал сифатида мустақил равишда ажратилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг ДНК банкида сақланадиган геномик ДНК препаратлари ишлатилган.

Асосий ва назорат гуруҳларидаги барча тадқиқотлар 18 ёшдан катта бўлган беморларда ва беморнинг тадқиқотга розилигини олган ҳолда амалга оширилди.

Асосий гуруҳдаги 145 нафар беморларнинг 71–49.0% ни эркеклар, 74–51.0% ни аёллар ташкил этди (1-расм).

ЎМЛ билан оғриган беморлар гуруҳининг нисбатан кўп қисми 18-44 ёшни ташкил қилган 145/78 (53.8%) беморлардан иборат булган.

Ўрта ёшдаги ЎМЛ билан оғриган беморлар асосий гуруҳда 26.9% ни (145/39) ва кекса ёшдаги беморлар 17.9% ни (145/26) ташкил этди. Энг кам касалланиш 70-90 ёшли гуруҳда бўлиб, бу 1.4% ни ташкил этди, бундан ташқари, узоқ умр кўрувчилар аниқланмаган.



1-расм. Беморларни жинсига кўра тақсимланиши.

Асосий гуруҳда беморларнинг ўртача ёши 44.6 ± 1.2 ёшни ташкил этди.

Хусусан, эркек жинсли беморларни ўртача ёши 47.2 ± 1.9 , аёл жинсли беморларда 42.2 ± 1.5 ёшни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги соғлом шахсларнинг ўртача ёши 48.3 ± 1.7 бўлди. Ёши ва жинсий таркибга кўра ўрганилаётган ва назорат гуруҳлари бир-бирига яқин.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида барча беморлар тўлиқ анамнез йиғиш ва умумий клиник текширувдан ўтдилар. Унда беморларни текшириш, касалликни клиник кечишини аниқлаш, клиник қон текшируви

маълумотларини тахлили, шунингдек миелограмма натижалари жамланган.

Тадқиқотимизнинг иккинчи босқичида драйвер-соматик мутацияларнинг роли баҳоланди ва тадқиқот мақсадларига мувофиқ ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда стандарт цитогенетик текширув (СЦТ) ёрдамида кариотип таҳлилини ўтказдик.

Ушбу ишнинг учинчи босқичида TP53 ўсма ўсиш супрессорининг эпигенетик регуляторининг полиморф маркерининг аллел ва генотипик вариантлари частотасидаги фарқлар ўрганилди ва ўрганилаётган детерминант геннинг прогностик самарадорлиги ҳисоблаб чиқилди.

Шу билан бирга, TP53 ўсма ўсиш онкосупрессорининг мутацион спектри беморларнинг ёшига қараб ўрганилди ва уларнинг ўсма клонини шакллантириш ва ЎМЛ ривожланишидаги аҳамияти баҳоланди.

Хулоса қилиб, ўтказилган тадқиқот натижалари умумлаштирилди ва талқин қилинди. Шунга асосланиб, энг муҳим клиник ва лаборатор маълумотлари аниқланди, ЎМЛ прогнозининг ишончлилиги ва касалликнинг кечишига таъсир қилувчи асосий статистик аҳамиятга эга генетик белгилар аниқланди.

Стандарт цитогенетик ва молекуляр-генетик текширувлар Ўзбекистон Республикаси ССВ РИГИАМ нинг молекуляр тиббиёт ва хужайравий технологиялар ҳамда тиббий генетика лабораторияси бўлимларида олиб борилди. Тадқиқ қилинаётган генларнинг мутациялари ва полиморфизмларининг учраш таксимоти таҳлили «case-control» (ҳолат-назорат, икки намунани таққослаш) шакли туридаги моделдан фойдаланиш орқали амалга оширилди. ПЗР (полимераз занжирли реакция) таҳлиллари Applied Biosystems 2720 (АҚШ) ва CG1-96 («Corbett Research» QUAGEN, Германия) ва Rotor Gene Q (QUAGEN, Германия) термоциклерлари ёрдамида амплификация дастурларига мувофиқ амалга оширилди. Беморлардан қон олишда ЭДТА си бор Vacutainer Becton Dickinson International (АҚШ) стандарт вакуум-пробиркаларидан фойдаланилди.

Олинган тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Stat Soft Statistica 10.0 (АҚШ) стандарт дастур тўплами ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Ўткир миелоид лейкознинг клиник-лаборатор хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида шифохонага ётқизилган беморларда асосий клиник-лаборатор кўрсаткичларини ўрганиш натижаларига баҳо берилган.

Барча беморлар умумий клиник текширувдан ўтдилар, унга беморларни кўздан кечириш, касалликни клиник кўринишларини аниқлаш, клиник қон тахлили маълумотларини, шунингдек, миелограмма натижаларини тахлили кирган. Сунгра, беморларда касалликнинг хусусиятлари баҳоланди.

Беморларда ЎМЛ нинг клиник кўринишларини ўрганиш давомида анемия синдроми (145 бемордан 108 таси) 74.5% ҳолларда аниқланди, бу бошқа кўринишларга қараганда нисбатан кенг тарқалган. Анемия синдроми бош айланиши (69.0%), холсизлик (93,1%) ва хансираш (37,2%) билан намоён бўлди.

Бундан ташкари бўғимлар оғриғи (62.1%), лимфаденопатия (31%), гепатоспленомегалия (9.0%), кўнгил айнаши ва қайт қилиш (42.1%), иштаҳанинг пасайиши (47.6%), стоматит (2.8%) учраши ҳам хос булди. 145 бемордан 66 тасида тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилди, бу ўМЛ билан текширилган беморларнинг умумий сонининг 45.5% ни ташкил этди. Тана ҳарорати 54.5% ҳолларда нормал қийматлардан ошмади. ўМЛ билан оғриган беморларда 6.2% ҳолларда ўсма интоксикацияси кузатилган.

Шу билан бирга, ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда асосий гематологик кўрсаткичларни кўриб чиқишда қуйидаги маълумотлар олинган: ўМЛ билан касалланган 145 беморнинг қонида гемоглобиннинг ўртача қиймати 71.2 ± 1.9 г/л, эритроцитлар сони $2.3 \pm 0.06 \times 10^{12}$ /л ва мос равишда лейкоцитлар – $73.6 \pm 8.4 \times 10^9$ /л бўлди. Лейкоцитлар диапазони анча кенг ва 1.32 дан 446×10^9 /л гача эди. Статистик маълумотлар шуни кўрсатдики, 60/145 (41.4%) беморларда гиперлейкоцитоз бор эди, бунда ўртача даражаси $148.3 \pm 14.5 \times 10^9$ /л орасида эди.

ўМЛ билан касалланган 145 беморда ўртача лимфоцитлар сони $25.3 \pm 1.8\%$, минимал қиймати 0.76% ва максимал қиймати 61.2% ни ташкил этди. Моноцитларнинг ўртача даражаси $15 \pm 1.5\%$ ни ташкил этди. Тромбоцитлар сони 3 дан 606×10^9 /л гача бўлган ва бу кўрсаткичнинг ўртача миқдори $46.1 \pm 6.9 \times 10^9$ /л ташкил этган.

ЭЧТ нинг ўртача қиймати 49.5 ± 1.7 мм/соатни ташкил этди, бу ерда минимал қиймат 4 мм/соат ва максимал 80 мм/соат бўлди.

Даволашнинг прогнози ва даволаш натижаларига таъсир қилувчи муҳим кўрсаткич периферик қон ва суяк кўмигидаги ўсма ҳужайралари сонидир. Бласт ҳужайралари сони қанча кўп бўлса, прогноз шунчалик ёмон бўлади.

109 бемордан 145 беморда периферик қонда ўсма ҳужайралари аниқланди. Унинг ўртача қиймати мос равишда $54.1 \pm 2.5\%$ ни ташкил этди.

Шу билан бирга, суяк кўмигидаги бласт ҳужайраларининг ўртача қиймати мос равишда $62.1 \pm 2.3\%$ ни ташкил этди.


Периферик қондаги бласт ҳужайраларини баҳолаш натижалари кекса ва ёш беморлар ўртасида сезиларли фарқни кўрсатди ($p < 0.05$). Периферик қондаги бласт ҳужайраларининг ўртача кўрсаткичлари қуйидагича эди: 60 ёшдан катта беморларда - $64.2 \pm 4.9\%$, 60 ёшдан кичик беморлар гуруҳида эса бу кўрсаткичнинг ўртача даражаси $51.7 \pm 2.8\%$ бўлди.

Кекса беморларнинг кичик гуруҳида периферик қондаги бласт ҳужайралари кўрсаткичи ёш беморларга қараганда 1.2 баравар юқори ($p < 0.05$).

Шунга ўхшаш ҳолат суяк кўмигидаги бласт ҳужайраларини ўрганиш пайтида ҳам қайд этилган. 60 ёшдан ошган беморларда суяк кўмигидаги бласт ҳужайралари ёш беморларга нисбатан анча (1.3 мартта) юқори эди ($75.5 \pm 4.4\%$ қарши $60.5 \pm 2.6\%$) ($p < 0.05$).

Беморларни шифохонага ётқизишда умумий қон анализи ва миелограмманинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш натижалари, жинсидан қатъий назар, бир-биридан сезиларли фарқ қилмаган ($p > 0.05$).

Морфологик вариантларга кўра (FAB таснифи, 2015), ўткир миелоид лейкоз куйидагича тақсимланди: ЎМЛ M2 44 (30.3%) ҳолларда, M3 14 (9.7%), M4 – 3 (2.1%), M5 2 (1.4%) ва 82 (56.6%) беморларда M0 ЎМЛ варианты аниқланмаган (2-расм).



2-расм. Морфологик вариантларга кўра ЎМЛ (FAB – таснифи, 2015).

ЎМЛ M5 вариантынинг барчасида NPM1 мутацияси аниқланди, шунингдек M4 варианты мавжуд беморларда, ушбу мутация мос равишда 66.7% ҳолларда аниқланди. ЎМЛ нинг M4 ва M5 вариантлари бўлган беморларда, бошқа ўрганилган драйвер мутациялари билан таққослаганда, NPM1 генетик маркерининг мутацияси сезиларли равишда кўп аниқланди ($p=0.05$).

Шу билан бирга, ЎМЛ M3 морфологик вариантлари бўлган беморларда t (8;21) (7.1%) генининг мутациясига нисбатан PML-RARA генетик маркерининг мутацияси (78.6%) сезиларли даражада кўп аниқланди ($p<0.001$).

ЎМЛ M0 ва M2 морфологик вариантлари бўлган беморларда юқорида айтиб ўтилган драйвер соматик мутацияларининг учраш частотасидаги фарқлар аҳамиятсиз эди ($p>0.05$).

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида мақсад ўткир миелоид лейкоз асоратларини ўрганишдан иборат бўлди.

Тадқиқот натижаларига кўра, 145 бемор орасидан 68 нафар беморда асоратлар аниқланган, бу 46.9% ни ташкил қилади ва шу билан бирга асоратларсиз касалликнинг кечиши мос равишда беморларнинг 53.1% да қайд этилган.

Ушбу тадқиқот давомида ЎМЛ билан оғриган 145 бемордан 100 нафарида (68.9%) тўлиқ ремиссияга эришилган: кекса гуруҳдаги 14 (50.0%) беморларда, 86 (73.5%) – ёш беморларда. Шунингдек, гендер хусусиятларига қараб, ремиссия эркакларда (53/71) 74.6% ҳолларда, аёлларда эса мос равишда (47/74) 63.5% ҳолларда қайд этилган.

Ўткир миелоид лейкознинг резистент кечиши 145 бемордан 21 нафарида (14.5%) аниқланди. 60 ёшгача бўлган беморларга нисбатан ЎМЛ нинг резистент шакллари кўпинча кекса беморларда қайд этилган ва 35.7% ҳолларда (10/28) аниқланган, ёш беморларда эса мос равишда (11/117) 9.4% ҳолларда КТ га резистентлик аниқланган. ЎМЛ билан хасталанган эркак беморларнинг 18.3% ва аёл беморларнинг 10.8% да кимётерапияга резистентлик қайд этилган.

Кейинчалик, беморларнинг 4.8% (7/145) касаллик ривожланишидан вафот этди.

Тадқиқот давомида 26 бемордан 145 нафарида ўрганилаётган патологиянинг рецидиви аниқланди. 26 ҳолатдан 17 тасида (65.4%) эрта рецидив ва беморларнинг 34.6% да кечки рецидив (9/26) қайд этилган. Рецидив эркак беморларнинг 18.3% да ва аёл беморларда 17.6% ҳолларда аниқланган.

Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам эрта рецидив кечки рецидивга қараганда кўпроқ учраган. Ёш жиҳатидан рецидив ҳолатидаги фарқлар сезиларсиз эди ва мос равишда 14.3% (4/28) ва 18.8% (22/117) ҳолларда аниқланган. Кекса беморлар гуруҳида кам ҳолатларда (3,6% ҳолларда) эрта рецидив қайд этилган, 28 бемордан 3 нафарида (10.7% ҳолларда) кечки рецидив аниқланган.

Диссертациянинг «**Ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда драйвер-соматик мутацияларни молекуляр-генетик ва цитогенетик тадқиқот натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида стандарт цитогенетик текширув (СЦТ) ва драйвер–соматик мутациялар (t (8;21), inv (16;9), NPM1 ва PML–RARA) ва уларнинг ўткир миелоид лейкоз билан оғриган беморларда ўзаро боғлиқлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тадқиқот мақсадларига мувофиқ, ўрганилган 145 бемордан 83 нафар беморда хужайра кариотипланиши амалга оширилди.

Стандарт цитогенетик тадқиқот давомида 83 та бемордан 32 нафар (38.6%) беморда кариотип ўзгариши аниқланди, шу билан бирга, 51 нафар беморда (61.4%) хромосома абберрациялари аниқланмади (кариотип 46XX ёки 46XX).

39 нафар эркак беморлардан 19 тасида (48.7%) хромосома аномалиялари бор эди ва 20 нафар беморларда (51.3%) кариотип аномалиялари кузатилмади. Аёл беморлар гуруҳида хромосома абберрациялари 44 тадан 13 (29.5%) нафар беморларда аниқланган, шунингдек 31 нафар беморда (70.5%), кариотип ўзгаришлари аниқланмаган.

Хромосома абберрациялари эркаклар орасида аёл жинсига нисбатан кўпроқ қайд этилган. Ёш беморларда кариотип бузилиши 33.3% ҳолларда (66 тадан 22 тасида) аниқланган, 66.7% (66 тадан 44 тасида) беморларда нормал кариотип аниқланган. Кекса беморларда хромосома аномалиялари 17 бемордан 10 тасида (58.8%) қайд этилган, 17 бемордан 7 тасида (41.2%) нормал кариотип аниқланган.

Шундай қилиб, хромосома абберрациялари кўпинча эркаклар ва кекса беморларда қайд этилган, аммо шунга қарамай, ўртадаги фарқлар ишончсиз эди ($p > 0.05$).

ЎМЛ билан оғриган беморларда хромосома абберацияси турини стандарт цитогенетик ўрганишда кариотипдаги микдорий ўзгаришлар гиподиплоидия тури бўйича 18.7% (32 дан 6 да) ва 25.0% (32 дан 8 да) гипердиплоидия ҳолатларида кўпроқ учради. Дериват хромосомалар 12.5% (32 дан 4 да) ҳолатларда аниқланди ва транслокациялар 25.0% (32 дан 8 да) ҳолатларда; делеция 6.3% (32 дан 2 да); моносомия 9.4% (32 дан 3 да) ҳолатларда учради ва трисомия 3.1% ни ташкил этди (32 дан 1 да) (1жадвал).

1-жадвал

СЦТ усули билан аниқланган мутацион ўзгаришлар спектри.

№	Хромосома абберациялари	абс.	%	
1	Гиподиплоидия	45 X	3	50.0%
		43 XY	2	33.3%
		36-45 XY	1	16.7%
		Умумий	6	100%
2	Гипердиплоидия	47 XY-XX	2	25.0%
		48 XX-XY	2	25.0%
		50 XY	1	12.5%
		52-54 XY	3	37.5%
		Умумий	8	100%
3	Дериватлар	der16	2	50.0%
		der17	1	25.0%
		der13	1	25.0%
		Умумий	4	100%
4	Транслокациялар	t(15;17)(q24;q21)	5	62.5%
		t(8;21)(q22;q22)	3	37.5%
		Умумий	8	100%
5	Делеция	del5p	1	50.0%
		del7q	1	50.0%
		Умумий	2	100%
6	Моносомия	-8	1	33.3%
		-22	1	33.3%
		-7	1	33.3%
		Умумий	3	100%
7	Трисомия	+8	1	100%
	Умумий	1	100%	

Хромосома аномалиялари бўлган беморларнинг асосий гуруҳида нормал кариотипли беморлар гуруҳига нисбатан лейкоцитлар сони сезиларли

даражада (1.9 баробар) ошди ($55.5 \pm 12.9 \times 10^9/\text{л}$ қарши $107.7 \pm 16.6 \times 10^9/\text{л}$) ($p < 0.001$).


Хромосома аномалиялари бўлмаган ва хромосома аберрацияси бўлган гуруҳлар ўртасидаги тромбоцитлар сонининг фарқи сезиларли даражада эди. Хромосома аберрацияси бўлган беморларда ($24.9 \pm 4.6 \times 10^9/\text{л}$) тромбоцитларнинг ўртача даражаси хромосома аномалиялари бўлмаган беморларга нисбатан 2.4 баравар паст эканлиги кузатилди ($60.9 \pm 15.8 \times 10^9/\text{л}$) ($p < 0.001$).

Хромосома ўзгаришлари бўлган беморлар гуруҳида нормал кариотибли беморлар билан солиштирганда, ПҚ даги бласт хужайралари сонининг кўпайиши сезиларли қийматларга етди ($69.7 \pm 3.4\%$ қарши $46.4 \pm 4.1\%$) ($p < 0.001$).

Аммо шунга қарамай, СК даги бласт хужайралари сони нормал кариотип ва хромосома аберрацияси бўлган беморлар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилмади ($61.8 \pm 4.0\%$ қарши $67.0 \pm 4.4\%$) ($p > 0.05$).

Бундан ташқари, драйвер–соматик мутацияларнинг тарқалиш частотаси ва уларнинг хромосома бузилишлари ҳамда ЎМЛ нинг клиник кечиши билан боғлиқлиги ўрганилди.

Тадқиқот давомида $t(8;21)$ мутациялар 9.7% (145 дан 14 да) беморларда аниқланди, аммо 90.3% ҳолларда бу геннинг мутацияси аниқланмади. Ушбу генетик маркер мутациялари статистик сезиларсиз даражада куп ҳолларда ўзгарган кариотибли билан беморларда ушбу ҳолатсиз беморларга нисбатан аниқланган –32 нафардан 6 та (18.8%) ($\chi^2=0.1$; OR=1.2; $p=0.7$; 95%CI:0.39–3.98). Нормал кариотибли беморлар гуруҳида $t(8;21)$ мутациялари фақат 15.7% беморларда аниқланган (3расм).



3-расм. Хромосома аномалиялари бўлган ва нормал кариотибли беморларда $t(8;21)$ мутациясининг тарқалиши.

Мутация учраган беморларнинг 78.6% да тўлиқ ремиссияга эришилди ва мутациясиз беморларнинг кичик гуруҳида мос равишда 67.9% ҳолларда

ремиссия кузатилди. Лекин, аҳамиятсиз фарқларга қарамай, t (8;21) мутацияси мавжуд беморларда ушбу мутация йўқ беморларга нисбатан тўлиқ ремиссия (ТР) (1.7 марта) ривожланиши учун бир оз тенденция борлиги кузатилди ($\chi^2=0.7$; OR=1.7; p=0.4; 95%CI:0.46–6.5).

Ушбу ген мутациясига эга беморларнинг 21.4% да КТ га резистентлик қайд этилган ва t (8;21) мутацияси йўқ беморларда бу ҳолат мос равишда фақат 13.7% ҳолларда аниқланган. Статистик таҳлиллар натижаларига кўра, юқоридаги гуруҳ беморларида t (8;21) генининг мутацияси ушбу генетик маркернинг мутациясига эга бўлмаган беморларга нисбатан биров юқори эди (21.4% қарши 13.7%; $\chi^2=0.6$; OR=1.7; p=0.4; 95%CI:0.44–6.7 да).

t (8;21) мутациялари мавжуд ва t (8;21) мутацияси бўлмаган беморларда ўрганилаётган патологиянинг рецидивини ривожланиши частотаси ўртасида статистик аҳамиятсиз фарқлар олинган (14.3% қарши 18.3%; $\chi^2=0.1$; OR=0.7; p=0.7; 95%CI:0.16–3.5 да).

Ушбу тадқиқот давомида t (8;21) гени мутациясига эга ЎМЛ мавжуд бўлган беморларининг ёш хусусиятларини ўрганаётганда, ўрганилаётган генининг энг кўп мутациялари 60 ёшдан ошган беморларда аниқланди. Ёш (7.7%) ЎМЛ билан оғриган беморларда, аҳамиятсиз фарқларга қарамай, кекса ёшдаги беморларга (17.9%) нисбатан t (8;21) генининг мутациялари учраш частотаси камайган (2 жадвал).

2-жадвал

Ёш ва кекса беморлар гуруҳларида t (8;21) мутациясини учраш частотасидаги фарқлар.

t (8;21) мутацияси	Текширилаётган беморлар сон				χ^2	p	OR	95%CI
	ОМЛ > 60		ОМЛ < 60					
	n	%	n	%				
бор	5	17.9	9	7.7	2.7	p < 0.2	2.6	0.83 – 8.23
йўқ	23	82.1	108	92.3	2.7	p < 0.2	0.4	0.12 – 1.21

Шундай қилиб, бизнинг натижаларимиз шуни кўрсатадики, ушбу мутациянинг беморларнинг таққосланган гуруҳлари орасида тарқалиш частотасидаги сезиларсиз фарқга қарамай, кекса беморларда t (8;21) мутацияни аниқлаш имконияти ЎМЛ билан хасталанган ёш беморларнинг кичик гуруҳига нисбатан 2.6 барабар юқори бўлди ($\chi^2=2.7$; OR=2.6; p=0.2; 95%CI:0.83–8.23).

inv (16;9) генидаги мутациялар ЎМЛ билан касалланган 145 бемордан 4 (2.8%) нафарида топилган. Ушбу мутация 145 тадан 141 нафар беморда (97.2%) аниқланмаган.

Беморларни кариотипига қараб ўрганаётганда, inv (16;9) генидаги мутацияларнинг энг кўп аниқланиши нормал кариотипли беморлар гуруҳида – 51 тадан 3 нафар (5.9%) беморда аниқланган. Хромосома абберрациялари бўлган беморлар гуруҳида ўрганилган ген мутациясининг пайдо бўлиши 32 нафар бемордан 1 тасида (3.1%) топилган. Шунга қарамай, нормал кариотипли ва ўзгарган кариотипли беморларда inv (16;9) гени

мутациясининг частотасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас эди ($\chi^2=0.3$; OR=0.5; $p=0.6$; 95%CI:0.05–5).

Тадқиқот давомида *inv* (16;9) гени мутациясига эга бўлган барча беморлар (4 дан 4та) TP га эришдилар, бу ген мутациясига эга бўлмаган беморларда тулиқ ремиссия мос равишда 68.1% ҳолларда аниқланган.

inv (16;9) гени мутациялари бўлган беморларда касалликнинг рецидиви қайд этилмаган ва мутациясиз беморларда 18.4% ҳолларда ЎМЛ рецидиви ривожланган. Худди шу ҳолат КТ га резистентлик мавжуд беморлар гуруҳида ҳам кузатилган.

Статистик таҳлиллар натижаларига кўра, *inv* (16;9) генидаги мутациялар ёш беморларда жуда кам (фақат 2.6%) бўлганлиги аниқланди. Шунга ўхшаш ҳолат 60 ёшдан катта беморларда ҳам кузатилди, ўз навбатида *inv* (16;9) мутациялари беморларнинг 3.6% да аниқланди ($\chi^2=0.1$; OR=1.4; $p=0.8$; 95%CI:0.14–13.92).

inv (16;9) мутациясининг учраш частотасидаги фарқлар, беморларнинг ёшига кўра, ишончли қийматларга етиб бормади ($p < 0.05$).

Тадқиқотда NPM1 генидаги мутациялар беморларнинг 17.2% да аниқланган ва 82.8% ҳолларда бу мутация қайд этилмаган.

Тадқиқот давомида нормал кариотибли беморларда NPM1 мутациясининг хромосома аномалиялари бўлган беморларга нисбатан тақсимланишининг сезиларли юқори частотасини кўрсатди (35.3% қарши 9.4%; $\chi^2=7.0$; OR=0.2; $p=0.01$; 95%CI:0.06–0.65 да) (3 жадвал).

3-жадвал

Нормал ва ўзгарган кариотибли беморлар гуруҳларида NPM1 ген мутацион омилининг частотасидаги фарқлар.

NPM1 мутацияси	Текширилганлар сони				χ^2	p	OR	95%CI
	Ўзгарган кариотип		Нормал кариотип					
	n	%	n	%				
Бор	3	9.4	18	35.3	7.0	$p < 0.01$	0.2	0.06 – 0.65
Йўқ	29	90.6	33	64.7	7.0	$p < 0.01$	5.3	1.54 – 18.09


Бундан ташқари, ЎМЛ мавжуд беморларда рецидив ривожланишига нисбатан беморларнинг ушбу гуруҳларида статистик сезиларли фарқлар топилмаган (8.0% қарши 20.0%; $\chi^2=2.0$; OR=0.3; $p=0.2$; 95%CI:0.08–1.49 да) (4 расм).

Шуни ҳам такидлаш лозимки, NPM1 гени мутацияси мавжуд беморларга нисбатан, бу генетик маркер мутацияси бўлмаган беморларда КТ га резистентлик сезиларли даражада кўпроқ кузатилди (4.0% қарши 20.8%; $\chi^2=4.0$; OR=0.2; $p=0.05$; 95%CI:0.03–0.97) (4-расмга қаранг).

Шунингдек, барча ҳолатларда NPM1 гени мутациялари бўлган беморларда ремиссия аниқланди – 100.0%. Ушбу ген мутацияси бўлмаган беморлар гуруҳида ремиссияга фақат 62.5% ҳолларда эришилди.

Ёшга қараб NPM1 генетик маркерини аниқлаш тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатдики, кекса беморларда NPM1 генининг мутациясини аниқлаш имконияти ёш беморларга нисбатан $OR=1.8$ $\chi^2=1.5$ ва $p=0.3$ да эди.

PML–RARA мутациялари ўМЛ билан касалланган 145 нафар беморнинг 23 тасида (15.9%) топилган. Ушбу мутация мос равишда 84.1% ҳолларда аниқланмаган.



4-расм. Клиник кечишига қараб беморларда NPM1 гени мутациясининг тарқалиши.

